**Таклифларни қуйидаги факс орқали юборишингиз мумкин: (8-371) 133-72-58.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

«Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси почта алоқаси хизматидан фойдаланувчиларга шунини маълум қиладикки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғига асосан 2002 йил 1 ноябрдан муомалага янги стандартдаги почта конвертлари киритилди.

Янги стандартдаги почта конвертлари бўйича маълумотларни ҳар бир почта алоқаси бўлимида ёки қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: 133-70-30, 133-57-47, 133-64-32.

Белгиланган стандартга тўри келмайдиган почта конвертларига солинган хатлар 2002 йил 1 ноябрдан бошлаб жўнатиш учун қабул қилинмайди ва жўнатувчига қайтариб берилади.

**ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН**

**БЕНЗИН ҚУЙИШ КОЛОНКАЛАРИ**  
(НАРА 4216, 2816)

**ва ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ** таклиф этади.

Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва созлаб берилади.

**Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28**

# «Мансуровнинг даъвоси асоссиз!»

## хўжалик суди шундай қарорга келди

Ҳозирда давлат, қишлоқ хўжалиги корхонаси, фермерлар ўртаклиги тасаввур этиши қийин. Таъжубки, ана шундай пайтда шартномани бажаришни эсдан чиқараётган ёки уни тузиб қўйиб, сўнг баҳона қидираётган фермерлар урғабди. Наҳотки уларга бу иқтисодий эъён эканлигини тушунириб ўтириш шарт бўлса. Албатта шартнома бепарволик фермерларнинг нафақат обрўйига, ҳали айтилганидек ҳамёнига ҳам таъсир этиши табиий. Лекин...

Ҳисоб-китобларга қараганда жорий йилнинг ўтган етти ойида вилоятимизда қўрилган 25 иш бўйича фермерлар даъвогар сифатида қатнашган. Натижада улар фойдасига хўжалик суди 25 миллион сўм ундириган бўлса, 545 хўжалик иши бўйича фермерлар жавобгар бўлиб иштор кетган ва улардан 140 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.

Қўриб турилган шартнома мажбуриятларини бажармаган фермер хўжаликлари нисбатан даъво билдирувчилар сони салкам 6 баробар ошган. Вазиятни таъкид қилганимиз бўлса, албатта, кейинги икки йилда вилоятда бўлган қўроқчилик туфайли айрим туманлардаги фермер хўжаликлари урғабди сабаблар билан шартнома мажбуриятларини бажаролмаган. Шу сабабли уларга нисбатан билдирилган даъволар кўпайиб кетган. Лекин, айни пайтда етарли имконият ва шароит бўла туриб, давлатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш контрактация шартномаси шартларини бажармасдан ердан, сувдан тўғри фойдаланмаслик, олинган маҳсулотлар пулини вақтида тўламаслик, тузилган шартномаларни бекор қилишга ҳаракат қилиш каби ҳолатларни ҳам кўрамиз. Масалан, ўтган йили хўжалик судига Нишон ва Китоб туманидан 40 га яқин фермер хўжаликлари мурожаат қилишиб, маъмур туманлардаги дон қабул қилиш очик ҳиссадорлик жамиятлари билан тузилган контрактация шартномаларини фермер хўжалик-

лари фойдасига ўзгартириш, яъни давлатга сотилиши лозим бўлган дон миқдорини камайтиришни талаб қилишди. Уларнинг барчаси (хўжалик узаоро келишилган) контрактация шартномалари маҳаллий ҳокимият органлари томонидан зўрлаб, мажбурлаб тузилганлиги, уларда ҳосилдорлик ва шунга мувофиқ давлатга сотиладиган дон миқдори ошиққа қўйилганлиги, уларни бажаришнинг имконияти йўқлигини рўқач қилиб, буюртмани камайтирмоқчи бўлиши. Хўжалик суди маъмур ишларнинг ҳар бирини тарафлар вакиллари иштирокида, алоҳида-алоҳида қўриб чиқиб, фермер хўжаликлари ваъдаларини асоссиз, деб топди. Дон топшириш бўйича тузилган шартномаларни ўзгартириш тўғрисидаги даъволар рад этилди.

Нишон тумани «Гулистон» ширкат хўжалиги ҳудуддаги «Олтин дала» фермер хўжалиги ўтган йилнинг июль ойида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, Нишон пахта тозалаш очик ҳиссадорлик жамияти билан давлатга пахта сотиш бўйича тузилган контрактация шартномасини ўзгартиришни сўрайди. Суд мажлисида аниқланганча, «Олтин дала» 2001 йилда 12 гектар ерга чигит экиб, жами 30 тонна пахта хомашесини давлатга сотиш буюртмасини олган. Лекин фермер хўжалиги фақат 7 гектар ерга чигит, қолганига эса бошқа экин экиб, топшириш лозим бўлган пахта миқдорини камайтириб қўрсатишни сўраган. Суд мажлисида фермер хўжалиги бошлиғи Т. Мансуров давлатга 28,8 тонна пахта хомашеси сотиш учун аванс олганлигини тасдиқлаб, кам гектарга чигит экиш сабабларини изоҳлаб беролмади ва суд унинг даъвосини асоссиз ҳисоблаб, рад этди.

Маълумки, фермер хўжаликлари фаолияти «Фермер хўжалиги тўғрисида» Қонун ва бошқа меъриёв ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу қонун талабларига қўра фермер хўжаликлари ижарага берилган ердан бошқа мақсадларда қўра тузилган шартномада қўра тузилмаган экинларни экиш ман этилади. Лекин шундай бўлса-да,

қўра тутилган экинларни қасддан, келишилган маҳсулотларни давлатга сотмасдан, шартнома мажбуриятларини бузувчи фермер хўжаликлари ҳам учраб турибди. Масалан, Китоб туманидаги «Китоб» ширкат хўжалиги билан шу хўжалик ҳудудда ташкил этилган «Диёр» фермер хўжалиги ўртасида 2000 йил 27 апрелда 14 гектар боғни ўн йил муддатга ижарага олиш тўғрисида шартнома тузилди. Унга мувофиқ фермер хўжалиги боғдан олинган режадаги ҳосилнинг 14 фоизини хўжаликка ва қолганини қўра ишловчи корхоналарга, ортиқча етиштирилган (пахта ва галладан ташқари) ўзида олиб қолишга келишилди. Аммо, фермер хўжалиги ўзининг шартномавий мажбуриятини етарли даражада бажармасдан, ижарага олинган майдонда етиштирилган маҳсулотни четга сотади. Ширкат хўжалиги раҳбарлари фермер хўжалиги бошлиғи Акбар Маҳмудовни бир неча бор огоҳлантиришга қарамасдан, 2000 йилда ҳам, кейинги йилда ҳам шартнома мажбуриятларини бажармасдан, қонунсиз ҳаракатини давом эттирди. Унинг бу ўзишмачилигидан норози бўлган хўжалик маъмурияти 2001 йил 22 ноябрь кунини вакиллар йиғилишини чақириб, «Диёр» томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаслик ҳолатини қўриб чиқиб, ўртадаги шартномани бекор қилиш лозимлиги тўғрисида ҳулосага келди. Ушбу масалани қонуний ҳал этиш учун вилоят хўжалик судига мурожаат қилади. Суд ушбу иш бўйича тарафлар кўргазмаларини тинглаб, тақдим қилинган далилларга қонуний баҳо бериб, даъвони қабул қилиш ва ўртадаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини қабул қилди.

Хуллас, ўзaro ишонч, фермерларга қўрсатилаётган эътибордан сўнг ҳам уларнинг шартномаларига бефарқликлар кечириб бўлмас ҳодир. Қолаверса, бунинг иқтисодиётимизга қўриб, билиб эъён етказиш, деб баҳоламоқ зарур.

**МИРЗА ТУРСУНОВ,**  
**Қашқадарь вилояти хўжалик суди раисининг ўринбосари.**

### Сўраган эдингиз?



**Р. РАСУЛОВ, Самарқанд вилояти:**  
— Хўжалик шартномасида жавобгарлик (неустойка) қўзда тутилмаган бўлса, шартнома мажбуриятини бажармаган тараф жавобгарликка тортилиши мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 263-моддасига мувофиқ неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганда қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойкани тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» Қонунининг 25-моддасида «Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик учун ушбу қонуннинг 25-32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади» деб кўрсатилган.



Божхонанинг бир кунини ва ҳар кунини



Килмиш-кидирмиш

## Адашган адашлар

Дўғобалик Нурали Чўғобоев ва Нурали Курбоналиевлар адашганига эмас, синфдош ҳам. Мақтабда бирга ўқиган, ўйнаб кулишган. Уларнинг ўқувчиллик йилларидаги орзу ва интилишлари нима бўлганлигини билмаймиз аммо эндигина мустақил қилма қадам қўйгандаги қилмишлари ота-онаси, ака-укалари, қариндош-уруғларининг юзини ерга қаратиб.

Бирор жойда ёлччилик ишлашни хоҳламаган, иш деса пешонаси тиришадиган икки синфдош ҳасратлашиб қолишди:

— Ҳозир айни ўтлар

қўқлаган пайт. Дала дашта-дашта нима кўп, мол кўп. Биттасини ўғирласанг-у етаклаб бозорга олиб борсанг чўнтак тўла бўлади.

Нурали Курбоналиев шу тариқа асл мақсадини синфдошга айтиб, ҳамкорликка кўндирди. Ҳароният синфдошларини бирлаштирди. Улар шу йилнинг 7 мартига ўтар кечаси Улуғбек номидаги ширкат хўжалигининг Мармин маҳалласига бордилар.

Тун қоронғу эди. Шу боис қўриқчилар, ҳусуван фуқаро Абдурайим Курбоннов ўғилларнинг кирдикоридан беҳабар қолди. Адашлар Курбон-

новнинг молхонасидан бозорга сотилиш нархи 200 минг сўм бўлган сиғирини ўғирлаб, йўлни Денов туманидаги Пайшанба мол бозори томон олдидлар.

Ўғри ўлжасини тезроқ йўқ қилишга интилиши бор гап. Адашлар ҳам молни фуқаро Завқибек Очилдевга арзонгина сотаётганда ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Жабранувчиға моли қайтарилди. Бировнинг сиғирини қўз олайтирган синфдошлар суд томонидан айбдор деб топилди, ҳар бири 3 йил муддатга аҳлоқ тузатиш

ишларига жалб қилинди, иш ҳақининг 30 фоизи давлат фойдасига ундирилган бўлди.

Қинғир ишнинг қийини барибир чиқди, деганлари шу.

**НУРИУХАММАД МИРЗАЕВ,**  
**Олтинсой тумани ИИБ ТБ бошлиғи, милиция майори,**  
**Солима ШАЙМАНОВА,**  
**журналист.**



Ж.БЕРДИЕВ.

## Қалтис тўқнашув

«Бирон воқеа-ҳодиса рўй берса, одамлар қаёққа боради? Кимга мурожаат қилади? Албатта, профилактика инспекторига. Шу боис биз уларга, энг аввало, телефони бўлган хизмат хонасини, қолаверса, барча шарт-шароитларни яратиб беришимиз керак!» Ушбу даъватга жавобан республикамизнинг барча маҳаллалик шарт-шароитларга эга бўлган милиция таянч пунктлари барпо этилмоқда. Ходимларимиз ҳам элимиз тинчлигини, халқимиз хавфсизлигини таъминлаш йўлида ҳоҳида жоиларни тарғога қўйиб, жиноятчиликни бартараф этмоқдалар.

Мана шундай ҳамкасбларимиздан бири Сирғали тумани ИИБ профилактика инспектори Куатбай Османов бўлади. У муқаддас султанган, жиноятлар содир этиб жазодан қочиб юрган икки нафар хавфли реидивистни қўлга олишда жасорат кўрсатди.

Очиги, милиция ходимининг ҳар қадами хавф-хатарда, десак муволажа бўлмади. Чунки хизмат таъозисига қўра улар баъзан билиб, ҳоҳида билмасдан ёмон ниятли кишилар билан рубору келидилар. Хусусан, Куатбай Османов ўзига бириктирилган хизмат ҳудуди — Сирғали-5 мавзеси 30-уйнинг олдига туниги соат 03.30 ларда хизматда юрган. Енида «Ўзгарин» маҳалласи посбони Акбар Ҳидоятгов ва «Иттифоқ» маҳалласи посбони Геран Малжасия ҳам бор эди. Бирдан рағия алоқаси орқали пойтахт ИИББ ИХХБ ходимларидан икки номатум шахсининг енгил автомашина ҳужум қилиб, машина эгасига нисбатан талончи-

лик жиноятини содир этгани ва қочиб кетганини, шундан сўнг уларни ушламоқчи бўлган икки нафар милиция ходимини ҳам оғир яралаб, воқеа жойидан қўйиб бўлишгани ҳақидаги хабарни олишди. Дарҳол диққат-этиборни кучайтириб, хушёрликни очирган ҳолда маҳалла

**Ходиса тафсилоти**

ҳудудини қўздан кечира бошладилар.

Ярим тун эмасми, ҳаммаёқ жим-жит. Қоронғулик, туниги сокинлик ўз ҳукмини ўтказган. Баланд қаватли уйларда қарийб чирроқлар ўчган. Ҳамма ширин уйкуда дам олаётган. Бир маҳал посбонларнинг кўзи машина бозори тарафдан келётган икки шартлага тушди. Уларнинг бежо, хавфсизрагандек келишдан бу икки шахннинг радиоалоқадан айтилганлар эканлигини пайқаш қийин эмасди... Шу боис, зудлик билан туман ИИБ наватчилик қисмини огоҳлантиришга уларни қўлга олиш чораси қўрилиши лозим эди. Лекин қўшимча кучлар келиши кутилмаган бўлса, вақтдан бой берилиш ҳеч гап эмас. Шу сабаб Куатбай дарҳол ёнидаги маҳалла посбонлари билан тезкор йўриқнома ўтказганча ўшга киришди.

— Мен иккала ҳамкасбимга оғир тан жароҳати етказганлар айнан шулар эканлиги ишонч ҳосил қилганимдан сўнг посбонларимдан биронтасини яралаб қўйилган жуда қўрқиб кетдим. Шу боис, уларни бу шахсларга яқинлаштирмасдан қўлга олишга ҳаракат қилдим. Қолаверса, вазият шунини тақозо этди,

лейди Куатбай.

Ҳа, бундай пайтда салгина ноурин ҳаракат пайд беришини, сусташликка йўл қўйса, гумондорларнинг қочиб кетишига имкон беришини яхши англаган Куатбай Османов маҳалла посбонлари билан биргаликда уларнинг олди-га пешовоз чиқди ва қўлга олишга эришди.

Хавфли, ҳаттаи дақиқалар ортда қолди. Содир этган жиноятлари учун қидирулда бўлган жиноятчилар — муқаддас икки маротаба султанган Эдуард Акметшин ва Александр Фелотовлар қўлга олинди.

Аммо минг афсуски, ҳали айтилганидек икки нафар милиция ходими ушбу хуролатланган жиноятчилар билан олишувда олган оғир тан жароҳатларидан сўнг касалхонада вафот этишди.

Ҳа, хавф хатарни бартараф этиш милиция ходимларидан нафақат куч-қувватни, балки сергат куч-зайрак бўлишни ҳамда ақл билан иш тутишни талаб қилди.

Республика Ички ишлар вазирлиги ва Хукукбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси раҳбарияти тавсисига қўра Куатбай Османовнинг жасорати Президентимиз томонидан муносиб тақдирланди. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Куатбай Османов давлатимизнинг II-даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланди.

**ШУХРАТ РҶЗИЕВ,**  
**ИИБ**  
**Хукукбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси МТБ катта инспектори, милиция майори.**

## Яланғочда ўт ёқсам, Самарқандда тутуну...

лоғида яшаётган Рустам, Отабек ва Дўстмурод турмушининг бундай ташвишларидан йироқ. Айнан уша кунлар улар бирданга бойиб кетиш илнини жуда яшаётган. Биринининг «қимматли» таклифлар айтилди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам эндигина берилаётган жиний тўдага маъқуд тушмади.

— Менга қаранглар, — деб қолди бир пайт ўзини тўданнинг бошлиғи ҳисоблаган Рустам. — Самарқандда нима кўп, «Дамас» кўп. Эртдан кечгача шаҳарнинг у четидан бу четига нзтишад. Қишлоқларга қатнаётганлари қанча. Жарақ-жарақ пуллар уларнинг ҳайдовчисидала-ку.

— Эй, бор экансан-ку жўра, битта даққасини илнитирсанк, илнитирибмиз-да, — дея шерикларига қараб тиржайди Дўстмурод.

Шундай қилиб Дўстмурод «Дамас» олиб келиш учун Самарқандга борадиган, Рустам ва Отабек келишган жойда кутадиган бўлишди. Регистон майдонидан мижоз кутаётган ҳайдовчи Акрам Исрофилов ўзини бечора ҳол қилиб кўрсатган Дўстмуроднинг таклифлар дарров рози бўлақолди. Тойлоқ туманининг Бозиғон қўроғида бориб келиш учун 5 минг сўмга сўрашди. Тасофиан учраб қолган ҳайдовчининг дўсти Санжарни ҳам машинага ўти-

ришни таклиф қилишди.

Бозиғон томон йўлга чиққан «Дамас»ни Бачки қишлоғи қабристонини ёнида Дўстмуроднинг шериклари — Рустам ва Отабек қарши олишди. Ва ҳаял ўтмай машина ҳайдовчисини Акрамнинг шериги Санжарнинг юқориди айтилган миқдордаги пул ва буюмлари тортиб олинди.

Енгил-елпи йўл билан қўлга киритилган молмулк босқинчиларни мазохурак қилиб қўйди. «Операция»нинг эртаси кун яна тарқолашга келишиб олинди. Бу гап «овга» чиқиб Отабекнинг зиммасига юкланди.

Пул топшишинг оёни йўли таллангандан терисига синаётган Отабек Сибб бозори ёнида учраган «Дамас» ҳайдовчисини билан осонгина тил топшиди.

Яна уша Тойлоқ туманининг «Олмазор» ижара хўжалигидан 12 кўти олма олиб келиш учун ҳайдовчинга 5 минг сўм пул берадиган бўлди. Ҳайдовчи Шавкат Баҳриевнинг ёнида шериги Пулат Оқидов ҳам бор эди. Атрофда шом чўққан чоғ учовлон «Олмазор» қайдасан, дея йўлга тушишди.

Воқеанинг давомиди яна



Икки тунда иккита Ушайш жинийот яна дерайи бир жойда. Тойлоқ ва Ургант туманлари ички ишлар бўлимларини ходимлари ишта киришдилар. Жинийот қанчалик тез содир этилган бўлса, шушчалик тез очилди. Жинийотчилар қилмишларига яраша жазо олишди. Жинийот тула бошлиғи Рустам Рўзаков 17 йилга, Отабек Жаббаров ва Дўстмурод Мелиқуловнинг ҳар бири 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шундай қилиб, яланғочлик шовоғларнинг Самарқандда чиқарган тутунлари уларнинг қарақт қилди.

Икки тунда иккита Ушайш жинийот яна дерайи бир жойда. Тойлоқ ва Ургант туманлари ички ишлар бўлимларини ходимлари ишта киришдилар. Жинийот қанчалик тез содир этилган бўлса, шушчалик тез очилди. Жинийотчилар қилмишларига яраша жазо олишди. Жинийот тула бошлиғи Рустам Рўзаков 17 йилга, Отабек Жаббаров ва Дўстмурод Мелиқуловнинг ҳар бири 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шундай қилиб, яланғочлик шовоғларнинг Самарқандда чиқарган тутунлари уларнинг қарақт қилди.

**Абдурашул САТТОРОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири,**  
**Сирож ЭРГАШЕВ,**  
**Тойлоқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.**

### Саҳифага мактуб

## Ижро чала бўлганди...

Бизга ажратилган уйга эр-хотин Ражабовлар ноқонуний кириб олганликлари ҳақида судга ариза берган эдим. Шундан кейин фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро суди ўзининг 2001 йил 15 мартдаги ҳал қилув қарорини қабул қилди. Унга қўра менга тегишли Зарқайнар кўчаси 1-уй, 15-хонадондан жавобгар Ражабовлар қўчирилган бўлди. Шу йил 10 апрель кунини туман суди ижрочилари Қ.Мусаев, А.Абдурахимов, М.Нигматов, К.Нурмухамедов ва А.Қосимовлар ҳолислар гувоҳлигида мажбурий тартибда суднинг ҳал қилув қарори ижросини таъминлаш учун боришган эди. Лекин жавобгарлар хонадон ичидаги барча буюмларни олиб чиқиб кетадиган таянгли жойлари бўлмаганлиги сабабли эртасига чиқиб кетиш шарти билан қолдирилди. Мен кириш эшитининг қўлларини алмаштириб, уйни қабул қилиб олган эдим.

Эртаси кунини уйга қўчиб ўтиш ва қолдирилган буюмларни эгасига бериб юбориш учун борганимда, жавобгарлар қўфни бузиб, ўзбошимчилик билан кириб олган экан. Шундан сўнг бу тўғрида профилактика нозирига ва маҳалла оқсоқолига мурожаат қилдим. Улар хонадонни бўшатини тўғрисида огоҳлантиришди. Лекин жавобгарлар бундан бош тортишди. Ҳозиргача уйимга киролмасдан овораман. Энди нима қилай?

Ж.БЕРДИЕВ.

Шарҳловчи минбари

Бу йил Жанубий Америкадаги бир қатор давлатлар иқтисодий инқироз исканжасида қолди. Айниқса, Аргентина билан Уругвайнинг аҳоли таъжубига қадар энг катта ва номзоди «Катта саккизлик»ка кўрсатилаётган Бразилия ҳам Халқаро валюта жамғармасининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолди. Кейинги беш-олти ой мобайнида Венесуэлада юз берган тартибсизликларнинг асосий сабабларидан бири — иқтисодийдаги инқироз. Бундай аҳоли минтақадаги бошқа мамлакатлар аҳолига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

талаб этмоқда.

Хорижий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, Дуальде ўз чиқишларидан биридаги мамлакатдаги иқтисодий аҳолидан жуда чарчаганлигини айтиди ва халққа мурожаат қилиб шундай деган: «Мен бутунлай ёлғизман, мени сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи куч йўқ. Мамлакат ҳавф остида. Биз уни қайта яратиш ёки йўқотиш олдидан турибмиз».

ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағ мамлакат иқтисодини инқироздан сақлаб қолдиш учун жуда ҳам зарур. Уругвай бу қарзни Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро молия институтларидан ёрдам олганидан кейин АКШ га қайтармаган бўлди.

Жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган катта давлатлар Бразилияда иқтисодий танглик бошланиши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмасди.

Маълумки, Америка Қўшма Штатлари жаҳондаги иқтисодий вазиятга Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия институтлари орқали таъсир ўтказди. Бразилиядаги инқироз эса, аввало, бевосита АКШ инвестициясига ҳавф туғдириди. Шунинг учун ҳам Халқаро валюта жамғармаси АКШ молия вазирининг тавсиясига кўра Бразилияга қарийб 30 миллиард доллар кредит ажратиш тўғрисида қарор қилди. Шунинг учун яқин вақтлар ичида ажратиладиган маблағнинг олти миллиарди миллий пуlining қадрини тиклашга, ташқи қарзларни тўлашга ва шу йилнинг октябр ойида президентлик сайлови тинч вазиятда ўтишини таъминлашга сарфланади.

Шундай қилиб, Уругвай билан Бразилияни иқтисодий инқироздан олиб чиқиш учун амалий ҳаракатлар бошланди. Бу Жанубий Америкадаги бошқа давлатлар учун ҳам умид уялмоқда. Эҳтимол Аргентина ҳам Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро молия институтлари ҳамда жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган давлатларнинг эътиборидан четда қолмас. Бунинг учун, биринчи навбатда, Аргентина ҳукумати мамлакатни иқтисодий инқироздан олиб чиқишнинг аниқ режасини — халқаро талабларга тўғри келадиган стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш зарурга ўхшайди. Демак, камбағал бўлсанг ҳам режалар бўл, деганлари тўғри экан.

Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи.

Венерада ҳаёт мавжуд...ми?


Америкалик олимлар гуруҳи Венера сайёрасида бир неча тирик организмларнинг аломатларини қайд этишган.

Венерада ҳаво босими Ердагидан 10 баробар кам. Ҳарорат эса — 460°С даражани ташкил этади. Ҳавода эса ишқорли булутлар сузади.

Техас университети олимларининг фикрича, Венерани қоплаб турувчи ишқорли булутлар остида ҳаёт мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу сайёра қатламидан 50 километр баландиқда ҳаво ҳарорати — 70 °С даража, босим эса ериқига яқин.

«New Scientist» журналининг хабар қилишича, булар сайёра булутларининг таркибидан сув борлигини исботлайди.

Илимий изланишлар раҳбари Дери Шульде-Макушнинг фикрича, тирик организмларнинг мавжудлиги кўпгина масалаларнинг сечини топишга ёрдам берган бўларди.



Турфа олам

Камбағал бўлсанг ҳам режалар бўл

Мутахассисларнинг фикрича, Аргентинани бу гирдобдан олиб чиқиш жуда мушкул. Чунки ҳозир мамлакатнинг 214 миллиард доллардан ортиқ ташқи қарзи бор. Инфляция жараёни 20 фоиздан ошди. Мамлакатдан чиқиб кетган бойлик оқими тўхтамапти. Банклар ва ҳукумат идоралари халқнинг ишончини йўқотган. Ҳар тўртта ишга яроқли аргентиналикдан биттаси ишсиз. Мамлакатда жами 37 миллион аҳоли яшайди ва ҳар йили қарийб 300 миллион аҳолини боқиб мумкин бўлган миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ҳолда икки миллион аҳоли очлик ҳолатида яшайди.

Мамлакатдаги инқироз аҳолининг норозидлигига сабаб бўлмоқда. Буэнос-Айрес кўчаларида тез-тез митинглар, намойишлар бўлиб турибди. Бу йил мамлакат президенти этиб сайланган Эдуардо Дуальденинг бутун умиди Халқаро валюта жамғармасидан. У агар 9 миллиард доллар қарз олinsa, мамлакатни иқтисодий инқироз гирдобидан олиб чиқиш мумкин, деб ҳисоблайди. Халқаро валюта жамғармаси эса Аргентина ҳукумати мамлакатнинг иқтисодий аҳолини изга солишининг аниқ дастурига эга бўлмаганлиги учун кредит беришни пайсалга солмоқда. Шунингдек, жамғара мамлакат ҳукуматидан инфляцияга қарши курашини, банк тизимини ислоҳ қилишни, молия тизимини қайта кўриб чиқишни ва солиқни оширишни

Бироз вақт олдин Дуальде ўзининг президентлик муддатини олти ойга қисқартирганлигини маълум қилган эди. Халқаро валюта жамғармаси билан эса музокаралар давом этмоқда.

Уругвайнинг иқтисоди Аргентинанинг иқтисоди билан уйғунлашиб кетган. Шунинг учун ҳам ўтган йилнинг охирида Аргентина иқтисодида бошланган инқироз Уругвайга салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бу ерда ҳам қўшни давлатдаги каби вазият юзага келди. Мамлакатта АКШ молия вазир О' Нил таъриф буюрди. У аҳоли жойида ўрғана, президент Буш билан маслаҳатлашиб олган, Уругвайга эътибор билан бир ярим миллиард доллар миқдорда қарз

қилишини кутишмаган эди. Бирок қўшни давлатлардан аҳоли Бразилияга ҳам таъсир этмасдан қолмади. Қутилмаганда шу йилнинг июль ойида миллий пул бирлиги — реалнинг қарсизланиши кучайиб кетди. Хорижий инвесторлар зудлик билан мамлакатдан ўз маблағларини олиб чиқиб кета бошлади. Бразилия ташқи қарзларини тўлаш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Бундай ҳолат шубҳасиз мамлакатга маблағ киритган давлатларда, биринчи навбатда Америка Қўшма Штатларида ташвиш туғдириди. Президент Бушнинг тушундиргани билан интеграцияга киришган мамлакатда бошланган инқирознинг олди олилмаган тақдирда қандай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини кутишмаган эди.

Бугун — Халқаро туризм куни

Истиқболли соҳага муносиб кадрлар

Туризм — истиқболли соҳа. Уни ривожлантиришга ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратяпти. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июлдаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳага кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини очиб берди.

Қарор асосида Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизда Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ташкил этилган. Коллеж бугун 1086 нафар талабани ўз бағрига олган. Уларнинг туризм соҳасидаги билимларини кўти билан ўрганишлари учун барча қўлайликлар яратилган.

Коллежнинг моддий-техника базиси Корея кредити доирасида асосида жиҳозланган. Ўқув масканда хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатилиши яхши йўлга қўйилганлиги туфайли 2000 йил сентябрь ойида бошлаб Германия техника кўллаб-қувватлаш жамияти билан «Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълимини кўллаб-қувватлаш ўзбек-немис лойиҳаси» буйича 2 та гуруҳдан иборат илк тажрибавий гуруҳлар қабул қилинган эди. Мазкур гуруҳлар учун алоҳида ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилган.



Хитой байрам арафасида. Шу муносабат билан гуллар девори қад кўтармоқда. Биринчи октябрь куни Хитойда Миллат куни нишонланади.

Қарор асосида Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизда Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ташкил этилган. Коллеж бугун 1086 нафар талабани ўз бағрига олган. Уларнинг туризм соҳасидаги билимларини кўти билан ўрганишлари учун барча қўлайликлар яратилган.

Коллежнинг моддий-техника базиси Корея кредити доирасида асосида жиҳозланган. Ўқув масканда хорижий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатилиши яхши йўлга қўйилганлиги туфайли 2000 йил сентябрь ойида бошлаб Германия техника кўллаб-қувватлаш жамияти билан «Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълимини кўллаб-қувватлаш ўзбек-немис лойиҳаси» буйича 2 та гуруҳдан иборат илк тажрибавий гуруҳлар қабул қилинган эди. Мазкур гуруҳлар учун алоҳида ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилган.

Маълумотлар рад этилмоқда

Эрон раҳбарияти АКШ оммавий ахборот воситаларидаги маълумотлар рад этилмоқда. «Ал-қонда» экстремистик гуруҳининг маънавий лагерлари мавжудлиги ҳақида тарқатган маълумотлар ҳақиқатга тўғри эмаслигини тасдиқлаган.

Эрон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котибининг айтишича, «Эронда бунга ўхшаш лагерлар йўқ. Бу ҳақдаги хабарлар эса психологик урушни авж олдириш учун тарқатилмоқда».

«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, Эронда Бин Лоднинг базалари мавжудлиги ҳақида биринчи бўлиб «NBC» телекомпанияси хабар тарқатган эди.

Музокаралар бошланадими?

АКШ Шимолий Кореяга яқин вақт ичида ўзининг юқори лавозимли вакилини юборди. Вашингтон Пхенья билан ҳафсизлик бўйича музокараларни қайта бошланиши режалаштирмоқда. Улар икки йил олдин тўхтатилган эди.

Бу ҳақда Жорж Буш Ким Чен Ир билан телефон орқали суҳбатда маълум қилган.

Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшер маълумоти асосида «Ассошейтед Пресс» агентлиги ана шундай хабар тарқатган.

Туркия огоҳлантиради

Туркия Бош вазир Биюлент Эжевит агар Садам Хусайн ҳукуматдаг четлатилса Ироқнинг шимолий қисмида Курдлар давлати тузилишига йўл қўйилмаслигини тасдиқлаган.

«Би-би-си»нинг маълумотига кўра, Туркия Ироқнинг шимолида Курд давлати тузилишига қарши, чунки агарда у амалга оладиган бўлса туркиялик курдлар ҳам муҳторнинг тузилиши талаб қилишади.

Европада иш ташлаш

Франция пойтахти Парижда ва Буюк Британия пойтахти Лондон ҳамда Италиянинг бир неча йирик шаҳарларида транспорт ишчиларининг иш ташлаши бошланди.

Лондон ва Парижда метрополитен ходимлари ҳам ишга чиқмай қўйди. Шунингдек, Париж шаҳри аэрофида қатновчи поездалар ишчилари ҳам бу ҳаракатга қўшилишди.

«Би-би-си»нинг маълумотига кўра, ушбу ҳодиса Европанинг йирик пойтахтларида транспорт ҳаракатинишида жиддий қийинчиликлар туғдиримоқда.



Германияда тошқинлар туғди. Энди эса сентябрь ойи охирида қор ёғди. Мамлакат аҳолиси бунчалик эрта ҳаво совиганини эслашолмайди. Европа ҳавоси ғалати келган ёз фаслидан сўнг ҳам ажаблანарли «қилиқ»ларини ташламайди. Интернет хабарлари асосида Салим ДОНИЕРОВ тайёрлади.

Advertisement for 'Lok Kolor Sintez' QK, featuring product images, text in Uzbek, and contact information for the printing company.

# Бу дунёда мен ҳам бир сайёҳ

Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон халқ шоири.



## Бўлдило

Дедим: Ёшлигимни қайтиб бер, замон,  
Тийра кундузларим, пайҳон бўлдило.  
Дедим: Тик қилсанг-чи қадимни, даврон,  
Деди: У тоғларинг сайҳон бўлдило.

Фалакка етмади чеккан уларим,  
Тийра кундузларим, қора тунларим,  
Бахтиёр, беармон кечган кунларим  
Энди тутқич бермас жайрон бўлдило.

Йиллар жароҳатин борми давоси,  
Бормикан Луқмони, борми Синоси.  
Муҳаббат муқнингиз поэтик биноси  
Ҳижрон сели ила вайрон бўлдило.

Бахтага зор бўлсам-да куйладим бахтни,  
Саробга термулиб, бой бердим нақдни.  
Гоҳида сомондек соғурдим вақтни,  
Кўрганлар тамоми хайрон бўлдило.

Сув излаб, кумларга дуч келдим баъзан,  
Мадад беролмадим дўстга дафатан.  
Ёларим қуршади мисоли тикан,  
Не-не орзуларим армон бўлдило.

Бу фоний дунёда мен ҳам бир сайёҳ,  
Гоҳида шошидим, шошилтирдим гоҳ,  
Асл манзил экан у Олий даргоҳ,  
Қолгани шунчаки сайрон бўлдило.



## Мутойиба

Дунё кенг, шаталоқ отиш мумкин,  
Ёки харсангошдай ётиш мумкин.  
Эсирган айтгандек, ҳақиқий дўстни  
Сотиб олиб бўлмас, сотиш мумкин.



## Адолат кўзгуси

Ултирган жойингда сакрайверма, бас,  
Жимгина ором ол топган аршингда.  
Қанча буюкликни қилмагил ҳавас  
Адолат кўзгуси турар қаршингда.

Гарчи барчамизга тақдир ҳукмрон,  
Гарчи тенг қошида чинордир, хасдир.  
Пушкин аталмаган ҳар битта қурбон,  
Ҳар бир қамалган ҳам Чўпон эмасдир...



## Юпанч

Бечораман, дея ўқинма иним,  
Сенга ўхшаганлар дунёда бисёр.  
Бир парча нон учун, ўтсин деб куним,  
Томридан қонини бергувчилар бор.

Бахтиёр зотлар ҳам мавжуддир, бироқ,  
Улар ҳам тириклик оворасидир.  
Зимдан назар солсанг, шу ер — думалоқ —  
Асли бечоралар сайёрасидир.

## Шеър

Тўй қил, ошинга ҳам шеър ёзилгайдир,  
Тўлган ёшинга ҳам шеър ёзилгайдир.  
Сен шеърга белисанд боқма, эй подон,  
Улсанг тошинга ҳам шеър ёзилгайдир.

## Танлаш ҳуқуқини унутманг

Ҳурматли муҳарририят! «Ўртар»ни излаб ўртанганларим» мақоласида («Халқ сўзи» 17.09.2002) «Гранд» радиостанцияси хусусида айрилган танқидий мулоҳазаларга йўллаган жавобимизни чоп этишингизни сўраймиз.

Авваламбор, Ўзбекистондаги хусусий радиостанцияларнинг муаммолари мавзусига қаратилган эътибор учун раҳмат. Фақатгина бир таклиф — журналистларнинг маълум бир масала устида фикр юритиш борасида демократиянинг энг муҳим томонларидан бўлмиш — танлаш ҳуқуқига ҳурмат ила ёндашсалар, мақсада мувофиқ бўларди.

Айни масалада тўхталадиган бўлсак, «ГРАНД» радиосининг муносиб таърифи бўлган муаллиф М.Нормуродова, ўзи яхши англамаган тарзда, хатога йўл қўйган. Биринчидан, ўзбек эфирини 15 дақиқа мобайнида бирин-кетин фақатгина хорижий тиллардаги қўшиқлар янграши мумкин эмас — бу ҳол ҳеч қачон кузатилмаган ва бўй бермайдиган ҳол. Радио форматининг қонунарига биноан ўзбек тилида янграган қўшиқларнинг қамиди иккитасидан сўнг рус ёки бошқа чет тилида айрилган қўшиқ эфирга узатилиши мумкин. Бунга сақланиб қўйилган плей-листларга асосланиб текшириб кўриш мумкин.

Албатта, бизнинг ҳам камчиликларимиз йўқ эмас. Бироқ мақола муаллифи шу нарсага эътибор бермадики, 2002 йили фақатгина «ГРАНД» радиоси тўқтинларда «Ўзбек шеърияти дурдоналари» лойиҳаси эфир юзидан кўриди. Мазкур дастур ўз ичига ўзбек шеъриятининг IX асрдан бошлаб бутун тарихини қамраб олган эди. Ҳозирда эса радиода энг долзарб муаммолар бўйича «Болалар ҳуқуқлари», «ОИТС хасталигининг олдини олиш» каби ёш тингловчиларнинг фикрлаш қўбилганини ривожлантиришга йўналтирилган туркум дастурлар эфирга чиқмоқда.

Мусиқа тўғрисида гапирадиган бўлсак, бизнинг ижодкорлар оддийгина ёзилмаган қонунга риоя қилмадилар, яъни Ўзбекистон ёшлари нафақат ўзбек, балки жаҳон мусиқасида бўй берётган янгликлардан воқиф бўлишлари шарт. Қизиқ, нега Нормуродова хорижий қўшиқларни тинглаш — ватанпарварлик руҳига қарши чиқишга тенг, дея баҳоламоқда? Инсон ўз қадриятларини эъозлаши шарт, аммо бу жаҳон маданиятини ўрганишимизни ман этолмайди.

Хулоса сифатида биз уларга кўпроқ қизларнинг фикрига қўлоқ тутишларини маслаҳат берадиз.

**А. ХУҲАЕВ,**  
«Гранд» телерадиостанцияси  
бош муҳаррири.

## Эркин фикрлашга тайёрмизми?

Давр ҳар соҳада тубдан янгиланишга ундапти. Янгиланишнинг туб негизи эса, бизнингча, ўзликини англаш. Шу ҳақиқатни сиз ва бизга ўрнатган журналистлар тўғри тушунишимизми?

Юртининг катта-кичик минбарларидан туриб айтаётган ҳар бир сўз, қўйлаётган мусиқа, қўшиқ шу юртининг 7 ёшдан 70 ёшли кишиларига ҳақдор бўлганлиги? Бу борада сайё-ҳаракатларимизни эркин тарзда гина-қудратлариз ўртага қўйиб, муҳокама эта оламизми? «Ўртар»ни излаб ўртанганларим» мақоласидан мақсад ана шу саволларга жавоб топиш эди. Аммо англашилмишча, биз ҳали эркин тарздаги ижодий фикр алмашишларга кўп ҳам тайёр эмас эканмиз. Танқидни қасдлашиб ёки тош отиш йўли деб қабул қилмасдан, матбуот чикишларига самимий жавобларини тавсия этсалар, мунозарага кенг жамоатчилик — тингловчию ўқувчиларни тортак, ҳақиқат шунда аён бўларди. Демократия тамойилларига ҳам тўғри келарди. Аммо, «Орият Доно» радиостанциясининг бошловчисидек, «Сиз ўзи журналистикада ўқиганмисиз, ўққан бошқа, ўқиган бошқа» — дея бир-биримизга дағдағлар қилсак, бу билан яна ўз савиямизнинг ҳамма-дардларини намойиш этамиз, ҳолок.

«Гранд» телерадиостанцияси бош муҳаррири А.ХуҲаевнинг фикрларига, мақолада нотўғри маълумотларга таянган. Ваҳоланки, улар бугун олиниб, бугун ёзилмаган. 4-5 ой давомида маълумот йиғилди. Албатта, буш вақтларда, бу борада кўпгина бошқа тингловчиларнинг мулоҳазалари жамланди. Тингловчилар сўз очилиши ҳамона «Гранд» — бу хорижий қўшиқлар тўплами» дейишлари бежиз бўлмас керак. Балки шундай бўлиши керак ҳамдир. Бу — улар услуби, хоҳиш-истаги. Аммо уларга муносабат билдириш — бизнинг хоҳиш-истагимиз. Ривожланган давлатларда шундай қилинади.

Ўзбекистон ёшлари нафақат ўзбек, балки жаҳон мусиқа оламида бўй берётган янгликлардан хабардор бўлишлари шарт. Қолаверса, бунга қизиқувчи ёшлар кўп. Бизнинг мулоҳазаларни хорижий қўшиқларни тинглаш ватанпарварлик туйғусига қарши бориш деб тушунаганимиз афсусланарлиқдир. Аксинча, дунёга бўйлаётган юртимизда жаҳон юлдузларининг энг сўнгги замонавий руҳдаги қўшиқлари янграши керак. Лекин ҳар нарсанинг меъри яхши. Биз таҳаллус ва исмизмиздан тортиб, тиш-тирноғимизга, аввало, шу тупроққа дахлдорлигимизни, шу тупроқнинг миллионлаб кишилари сувга ташнадек миллий мусиқаларга илҳақ бўлишини унутмасак тўғри бўлур эди.

**М. НОРМУРОДОВА,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Баҳс



Олтинсойнинг Қоратепасида Абдурауф бобо Юсупов отлик мўйсафид отахон яшайди. Фарзандлари, набираларини эваралари ардоғида умргузаронлик қилаётган бу отахон уч аср гувоҳи — 114 ёшда. Умр бўйи ҳалол меҳнат қилди. Бошқаларни ҳам шунга ўргатади. Кам бўлмади. Катта-ю кичик табаррук отахонини ҳурмат қилади, маслаҳатлар олади.

СУРАТДА: Абдурауф бобонинг ҳамқишлоғи, 84 ёшли Зайдулла ҳожи Эшманов билан сўрунчи айни маромига етган пайти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## ЛАТИФАЛАР

Бир киши ярим кечада руҳий касалликдан шифохонасининг дарвозасини тақиллата бошладим.  
— Илтимос, очинглар, мен ақлдан оздим, даволанишим керак...  
Набатчи кўзларини уқлаганча, дарвоза ёнига келди.  
— Нималар дегиниз? Ярим кечада ҳам ақлдан оздинми одам, жинни-пинни бўлмаганмисиз?  
— Жаноби дўхтир, айтингчи, овқатдан олдин юз грамм ичиди соғлиққа зийнми?  
— Йўқ, албатта. Фақат кунга ўн-йигирма марта овқатланмасангиз бўлгани.  
Бир журналист дўхтирдан сўради:  
— Айтингчи, одам кўнчакис ҳам яшай оладими?  
— Йашаш мумкин, — деди у, — аммо дўхтирлар яшай олмадилар.  
Нидуфар қўшнсининг эшигини кўнгиракчи жиринглатди.  
— Кечирасизлар, бугун бизга радионингизни бериб туролмайсизми?  
— Марҳамат, марҳамат, — деди қўшн жилмайиб, — нима, биронта меҳмон келиб қолгани ёки кимингиз тўғилган кунини?  
— Йўқ, фақат ишдан чарчаб келдим, тинчроқ ухламоқчиман.



**Хурматли харидорлар!** Сизларни Тошкент шаҳрида ягона бўлган ва ихтисослашган **«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»** дўконига таклиф этамиз.

Сизлар дўконимизда «Малика», «Тонг», «Орзу», «Қорасув», «Бош кийимлар фабрикаси», «Кибо», «Даритал», «Янги-Вега», «МК Стиль», «Пойафзалчи», «Кичкинтой», «Агрохимпласт», «Совпластитал», «ОНИКС», «Агама», «Ўзэлектрораппарат», «Ташэлектрораппарат», «Максим Декор», «Юлдузча», «Комол топ», «Туркистон», «Лола текс», Тошкент УПК-1, Тошкент 1-босмаҳонаси каби ишлаб чиқариш корхоналари ва кўплаб қўшма, шўба, хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилган сифати кафолатланган, нархи маъқул келадиган, истеъмол талабига жавоб берадиган, сизларга ёқадиган болалар трикотаж буюмлари, пайпоқлар, колготкилар, турли модел ва фасонлардаги болалар кийимлари ва пойафзаллар, бош кийимлар, атторлик ва спорт буюмлари, турли-туман ва ранг-баранг ўйинчоқлар, болаларга қулай ва ихчам бўлган аравачалар, кроватлар, ўқув-ёзув қуроллари, шунингдек, рўзгор учун зарур бўлган анжомлар, биллур идишлар, қандиллар, чинни ва сопол буюмлар, ёдгорлик ва совғалар, атир-упа, заргарлик маҳсулотлари, қўл ва осма соатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларни харид қилишингиз мумкин.

**Ишончимиз комилки, таклиф қилаётган товарларимиз афзалликлари билан сизларга манзур бўлади.**

**Харидингиз бароридан келсин.**

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Жангоҳ майдони, Эски Жўва бозори, «Чорсу» метро бекати.

Телефонлар: 42-55-87, 42-56-47.

**САВОЛ БИЗДАН...**

Инсон танасининг қаерида мувозанат маркази жойлашган?

136-35-60

Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби: Биоценология

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25

132-10-63

256-хона

**«MAKSIMA» мебель салони**

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёриткичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини таклиф этади.

**«MAKSIMA» АРТ-ДИЗАЙН студияси**

хонадонингиз, ховлигингиз, ландшафт дизайнини яқка тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕТИУЛ.

Тушлуксиз ва дам олиш кунингиз ишлаймиз.

Манзилимиз: Қунаев кўчаси, 46-уй. Телефонлар: 111-14-44, 152-75-94. E-mail: maxima@online.ru

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Газетхатминот» шўба корхонаси тутатилади. ОКПО коди 18243648. Барча талаблар эълон берилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қўйилган манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ниязбек йули кўчаси, 1-уй, 5-қават, 7-хона. Телефон: 133-94-41.

М. Қориеқубов номидаги Академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси Ўзбекистон халқ хофизини **Орифон ҲОТАМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва барча яқин кишиларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон телевидениеси жамоаси «Умид» студиясининг муҳаррири Ш. Расулова падари бузурқуорини **Абдурахмон РАСУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

**«Халқ сўзи» «Народное слово»**

МУАССИСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамиси

**Бош муҳаррир:**  
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир хайъати:**  
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),  
М. ЕГОРОВ  
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),  
С. ЗИНИН,  
М. МИРАЛИМОВ,  
С. МУХИДДИНОВ,  
Ш. РИЗАЕВ,  
М. САФАРОВ,  
Р. ФАРҲОДИЙ,  
И. ХУДОЁЕВ,  
И. ШОҒУЛОМОВ,  
О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),  
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**

Ижтимоий-сўбей хайт — 133-57-34;  
133-78-92

Иқтисодиёт — 136-36-65;  
132-10-65

Маънавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89,  
133-07-48;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;

Янгликлар ва халқаро хайт — 132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г — 777,  
27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.  
Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.  
Набатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.  
Набатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.  
Муасхих — Ш. МАШРАБОВЕВ.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.  
1 — тижорат материалли.

«Шарк» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Тоширилади — 21.45

1 2 3 4 5 6